

# نُخْبَةُ الْفِكَرِ فِي مُصْنَطَلَحِ أَهْلِ الْأَئْمَرِ

Асар аҳлининг истилоҳи борасида  
фикрларнинг энг сараси

(Ҳадис илми бўйича қўлланма)

**Муаллиф:** Ҳофиз Аҳмад ибн Али ибн Мухаммад  
ибн Ҳажар Аскalonий

**Мутаржим:** Афзал Аброр

Тошкент:  
2017 йил

## بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

### مُقَدَّمَةٌ

قَالَ الْإِلَمَامُ الْحَافِظُ: أَحْمَدُ بْنُ عَلَيٍّ بْنُ حَجَرِ الْعَسْقَلَانِيُّ يَرْحَمُهُ اللَّهُ تَعَالَى: الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي لَمْ يَزَلْ عَلَيْمًا قَدِيرًا، وَصَلَّى اللَّهُ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ الَّذِي أَرْسَلَهُ إِلَى النَّاسِ كَافَةً بَشِيرًا وَنَذِيرًا، وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ وَصَاحْبِهِ وَسَلَّمَ تَسْلِيمًا كَثِيرًا.

أَمَّا بَعْدُ:

فَإِنَّ التَّصَانِيفَ فِي اصْطِلَاحِ أَهْلِ الْحَدِيثِ قَدْ كَثُرَتْ، وَبُسِطَتْ وَاخْتُصَرَتْ، فَسَأَلَنِي بَعْضُ الْإِخْوَانِ أَنْ أُخَصِّ لَهُ الْمُهِمَّ مِنْ ذَلِكَ، فَأَجْبَتُهُ إِلَى سُؤَالِهِ رَجَاءً الْإِنْدِرَاجِ فِي تِلْكَ الْمَسَالِكِ.

РАҲМАТИ ДУНЁДА ОММАИ  
МАХЛУҚОТЛАРГА, ОХИРАТДА МЎМИНЛАРГА  
ХОС БЎЛГАН АЛЛОҲНИНГ ИСМИ ИЛА  
БОШЛАЙМАН

## Муқаддима

Имом, Ҳофиз Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Асқалоний дедилар: Алийм (Чексиз билгувчи) ва Қодийр (Чексиз қудратли) лиги ила азалий бўлган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Одамларга Аллоҳ тарафидан омматан башорат берувчи ва огоҳлантирувчи ҳолида юборилган саййидимиз ҳазрати Мұхаммадга, у кишининг аҳллари ва саҳобаларига Аллоҳнинг салавотлари ва кўплаб саломлари бўлсин.

(Ҳамд ва салавоту-саломдан) Сўнг: Аҳли ҳадисларнинг истилоҳлари ҳақидаги таснифотлар кўп бўлди, кенг баён қилинди ва муҳтасар қилинди. Дўстларимиздан бири ушбу маълумотларнинг мухимларини унинг учун жамлаб баён қилишимни сўради. Бас, унинг сўровига ушбу илм йўлларида юксалиш бўлишини умид қилган ҳолда ижобат этдим.

فَأَقُولُ : الْخُبْرُ إِمَّا أَنْ يَكُونَ لَهُ :

طُرْقٌ بِلَا عَدَدٍ مُعَيَّنٍ .

أَوْ مَعَ حَصْرٍ إِمَّا فَوْقَ الْإِثْنَيْنِ .

أَوْ بِحِمَّا .

أَوْ بِواحِدٍ .

Айтаман: “Хабар” (унинг ривоят қилинган йўлларига кўра) қуидагиларга бўлинади:

Муайян адади бўлмаган кўп йўллар;

Муайян адади бўлган ва ўша йўллари иккитадан кўп бўлган йўллар;

Икки йўли бўлганлар;

Битта йўли бўлган хабарлар.

فَالْأَوَّلُ: الْمَتَوَاتِرُ الْمُفِيدُ لِلْعِلْمِ الْيَقِينِيِّ بِشُرُوطٍ.

وَالثَّانِي: الْمَشْهُورُ، وَهُوَ الْمُسْتَفِيدُ عَلَى رَأْيٍ.

وَالثَّالِثُ: الْغَزِيرُ، وَلَيْسَ شَرْطًا لِلصَّحِيحِ خِلَافًا لِمَنْ زَعَمَ.

وَالرَّابِعُ: الْغَرِيبُ.

Аввалгиси: Мутавотир хабар бўлиб у ўз шартлари ила яқийний илмни ифода қиласи.

Иккинчиси: Машҳур хабар бўлиб у – бир раъйга биноан – “мустафиз” деб номланади.

Учинчиси: Азиз хабар бўлиб у баъзилар айтгани каби “саҳих ҳадис”нинг шарти эмас.

Тўртинчиси: Ғарib хабардир.

وَكُلُّهَا - سَوْى الْأَوَّلِ - آخَادُ.

وَفِيهَا الْمَقْبُولُ وَالْمَرْدُودُ لِتَوْقِفِ الْإِسْتِدْلَالِ إِنَّا عَلَى الْبَحْثِ عَنْ أَحْوَالٍ رُوَاَتْهَا دُونَ الْأَوَّلِ،

Юқоридаги барча хабарларнинг турлари – аввалгисидан ташқари (мутавотирдан ташқари) – оҳод хабарлардир.

Улар (яъни оҳод хабарлар) орасида “мақбул” хабар бўлади. Шунингдек “мардуд” (рад қилинган хабар) хабар бўлади. Аввалгидан (яъни мутавотирдан) фарқли ўлароқ “мардуд”нинг рад қилиниши уни ривоят қилганларнинг ҳолини баҳс қилиниши лозимлиги сабабидан уни далил қилиб келтириш тўхтатилгани учун бўлади.

وَقَدْ يَقْعُ فِيهَا مَا يُفِيدُ الْعِلْمُ النَّظَرِيِّ بِالْقَرَائِينِ عَلَى الْمُخْتَارِ.

Иҳтиёр қилинган қавлга биноан оҳод хабарлар ичida муайян қариналар (белги, аломатлар) ила “назарий илм”ни ифода қиласиган хабарлар бўлади.

ثُمَّ الْغَرَابَةُ: إِمَّا أَنْ تَكُونَ فِي أَصْلِ السَّنَدِ، أَوْ لَا.

فَالْأَوَّلُ: الْفَرْدُ الْمُطْلَقُ.

وَالثَّانِي: الْفَرْدُ النِّسْبِيُّ، وَيَقِلُّ إِطْلَاقُ الْفَرْدِ عَلَيْهِ.

Сўнгра хабарнинг ғариблиги санаднинг аслида бўлади ёки ундан бошқа ерида бўлади. (Санаднинг асли – саҳобий ва ундан кейинги аввалги тобеъий бўлган тараф).

Ғарибнинг аввалги тури “фардул мутлок” дейилади.

Ғарибнинг иккинчи тури “фардун нисбий” дейилади. Ушбу турга нисбатан “ғаріб” лафзи камдан-кам ишлатилади.

وَخَبَرُ الْأَحَادِ بِنَقْلٍ عَدْلٍ تَامٌ الضَّبْطُ، مُتَصِّلٌ السَّنَدِ، غَيْرٌ مُعَلَّلٌ وَلَا شَاذٌ: هُوَ الصَّحِيحُ لِذَاتِهِ. وَتَتَفَاقَوْتُ رَتْبُهُ بِتَفَاقَوْتِ هَذِهِ الْأَوْصَافِ.

Адолатли, забти мукаммал киши тарафидан нақл қилинган оҳод хабарнинг санади муттасил бўлиб, муъаллал ва шоз бўлмаса, “саҳих лизаатиҳ” (ўзининг зотида саҳих) деб номланади.

Оҳод хабарнинг рутбалари юқоридаги сифатларнинг тафовути ила тафовутланади.

وَمِنْ ثُمَّ قُدْمَ صَحِيحُ الْبُخَارِيِّ ، ثُمَّ مُسْلِمٌ ، ثُمَّ شَرْطُهُمَا .

فَإِنْ خَفَّ الضَّبْطُ: فَالْحَسْنُ لِذَاتِهِ، وَكِثْرَةُ طُرُقِهِ يُصَحَّحُ. فَإِنْ جُمِعَ فَلِلْتَرْدُدِ فِي النَّاقِلِ حَيْثُ التَّفَرُّدُ، وَإِلَّا فِي اعْتِبَارِ إِسْنَادِيهِ .

Шу сабабдан (оҳод хабарларни қабул қилишда) Саҳиҳи Бухорий аввал қўйилган, сўнгра Муслим, сўнгра икковларининг шартлари асосидаги хабар қўйилган. (Ровийлардан бирининг) забти енгил бўлган хабар “ҳасан лизаатиҳи” (ўзининг зотида ҳасан) деб номланади. Ва бу хабарнинг туруклари (ривоят йўллари) кўп бўладиган бўлса, саҳиҳ хабар деб олинади. Агар икки рутба жамлаб айтилинса (саҳиҳ, ҳасан), бунинг сабаби нақл қилувчи бир ўзи бўлгани жиҳатидан унинг сифатларида иккиланиш бўлганлиги учун ёки хабарнинг икки санади бўлиб бири саҳиҳ, иккинчиси ҳасан бўлганлиги учундир.

وَزِيَادَةُ رَاوِيهِمَا مَقْبُولَةٌ مَا لَمْ تَقْعُ مُنَافِيَةً لِمَنْ هُوَ أَوْقَعُ. فَإِنْ خُولِفَ بِأَرْجَحِ فَالرَّاجِحِ الْمَحْفُوظُ، وَمُقَابِلُهُ الشَّاذُ، وَمَعَ الْضَّعْفِ فَالرَّاجِحُ الْمَعْرُوفُ، وَمُقَابِلُهُ الْمُنْكَرُ.

(Саҳиҳ ва ҳасан)ларнинг ровийларининг ривоятда қилган қўшимчалари ўзларидан кўра ишончлироқ ровийнинг ривоятига хилоф бўлмас экан мақбулдир. Агар кучлироқ ровийга хилоф қилинса, кучлироғи “маҳфуз”, кучсизроғи “шоз” деб аталади. Агар кучлироқ ровийга қилинган хилоф хилоф қилувчи ровийнинг заифлиги билан бирга

воқеъ бўлган бўлса, кучлироқ ривоят “маъруф” (танилган), кучсизи “мункар” (инкор қилинган) деб номланади.

وَالْفَرْدُ التِّسْبِيُّ: إِنْ وَاقَهُ غَيْرُهُ فَهُوَ الْمُتَابِعُ.

وَإِنْ وُجِدَ مَتْنٌ يُشَهِّدُ فَهُوَ الشَّاهِدُ.

وَتَتَّبَعُ الطُّرُقُ لِذَلِكَ هُوَ الْإِعْتِبَارُ.

“Нисбий фард” бўлган хабарга ўзидан бошқаси мувофиқ келса, уни “мутобеъ” дейилади. Агар ўхшаш матн бўлса, у “шоҳид” деб номланади. (Фард деб гумон қилинаётган) ўша хабарнинг йўллари кўп бўлса, у “эътибор” деб номланади.

ثُمَّ الْمَقْبُولُ: إِنْ سَلِمَ مِنَ الْمُعَارَضَةِ فَهُوَ الْمُحْكَمُ، وَإِنْ عُورِضَ بِمِثْلِهِ: فَإِنْ أَمْكَنَ الْجَمْعُ فَمُخْتَلِفُ الْحَدِيثُ.

أَوْ لَا وَثَبَتَ الْمُتَأَخِّرُ فَهُوَ النَّاسُخُ، وَالآخَرُ الْمَنْسُوخُ.

وَإِلَّا فَالْتَّرْجِيْحُ، ثُمَّ التَّوْقِيْفُ.

Сўнгра “мақбул” хабар ўзига бирор хабарнинг зид келишидан саломат бўлса “муҳкам” бўлади. Унга ўзидек даражада бўлган хабар зид келганида, иккови

орасини жамъ қилиш мумкин бўлса, “мухталифул ҳадис” деб номланади. Жамлаш имкони бўлмаса, бундай ном берилмайди ва замон эътиборидан охирги ҳадис собит бўлади. Бас, уни “носих, бошқасини “мансух” деб номланади. Агар бунинг (тариҳини билиш) имкони бўлмаса, икки ҳадисдан бирини бошқасидан таржийҳ қилинади. Агар бунинг ҳам имкони бўлмаса, таваққуф қилинади.

ٌمَّا أَنْ يَكُونَ لِسَقْطٍ أَوْ طَعْنٍ .

Сўнгра “мардуд” хабар (санадида) “сақт” (тушиб қолиш) бўлганлиги ёки (бирор ровийси) айбланганлиги сабабидан шундай номланади.

فَالسَّقْطُ: إِمَّا أَنْ يَكُونَ مِنْ مَبَادِئِ السَّنَدِ مِنْ مُصَنِّفٍ أَوْ مِنْ آخِرِهِ بَعْدَ التَّابِعِيِّ، أَوْ غَيْرِ ذَلِكَ .

“Сақт” мусаниф тарафидан санаднинг бошларида бўлади ёки хабарнинг охирида тобеъийдан кейин бўлади ёки бошқа жойда бўлади.

فَالْأَوَّلُ: الْمَعَلَّقُ .

وَالثَّانِي: هُوَ الْمُرْسَلُ .

وَالثَّالِثُ: إِنْ كَانَ بِأَثْنَيْنِ فَصَاعِدًا مَعَ التَّوَالِي فَهُوَ الْمُعْضَلُ، وَإِلَّا فَالْمُنْقَطِعُ.

(Санадида тушиш бўлган хабарнинг) Аввалгиси: “муъаллақ” (осилтириб қўйилган)дир.

Иккинчиси: “мурсал” (қўйиб юборилган)дир.

Учинчиси: агар кетма-кетликда икки ва ундан кўп ровий тушиб қолган бўлса “муъдол” (мушкул қилинган)дир, бўлмаса “мунқотеъ” (узилиб қолган)дир.

مُمْ قَدْ يَكُونُ وَاضِحًا أَوْ خَفِيًّا.

فَالْأَوَّلُ: يُدْرِكُ بِعَدَمِ التَّلَاقِيِّ، وَمِنْ ثُمَّ احْتِيَجَ إِلَى التَّارِيخِ،

Сўнgra (санаддаги “сақт”) очиқ-оидин ёки махфий бўлади.

Аввалгиси (очиқ-оидин бўлгани): икки ровий ўзаро учрашмаганлиги или идрок қилинади. Шу сабабдан тарихни билишга эҳтиёж туғилади.

وَالثَّانِي: الْمُدَلَّسُ، وَيَرُدُّ بِصِيغَةٍ تَحْتَمِلُ اللُّقِيَّ: كَ: "عَنْ" ، وَ"قَالَ" ، وَكَذَا الْمُرْسَلُ الْخَفِيُّ، مِنْ مُعَاصِرٍ لَمْ يَلْقَ مَنْ حَدَّثَ عَنْهُ.

Иккинчиси “мудаллас”дир. Бу хабар учрашганликни эҳтимол қилувчи сийғада ривоят қилинади, масалан ﻋَنْ (...дан), қَالَ (айтди...) каби лафзлар ила. “Мурсали хафий” (махфий равиша қўйиб юборилган хабар) ҳам шу кабидир. Унинг ровийси ўзи учрашмаган замондошидан хабар ривоят қиласди.

ثُمَّ الطَّعْنُ: إِمَّا أَنْ يَكُونَ لِكَذِبِ الرَّاوِي، أَوْ تُهْمِئِهِ بِذَلِكَ، أَوْ فُحْشٌ غَلَطِهِ، أَوْ فِسْقٌ، أَوْ وَهْمٌ، أَوْ مُخَالَفَتِهِ، أَوْ جَهَالَتِهِ، أَوْ بِدْعَتِهِ، أَوْ سُوءٌ حِفْظِهِ.

Сўнгра (ровийга) “таъна етказиш” қўйидаги кўринишларда бўлади: ровийнинг ёлғони сабабидан бўлади ёки ёлғончиликда айблангани сабабидан бўлади ёки қўпол адашгани сабабидан бўлади ёки (мукаммал ривоят қилишдан) ғафлати сабабидан бўлади ёки фосиқлиги сабабидан бўлади ёки ваҳм (ривоятда адашгани) сабабидан бўлади ёки ишончли ровийга ривоятда хилоф қилгани сабабидан бўлади тинилмаган киши бўлганлиги сабабидан бўлади ёки бидъатчилиги сабабидан бўлади ёки хифзи ёмонлиги сабабидан бўлади.

فَالْأَوَّلُ : الْمَوْضُوعُ.

وَالثَّانِي: الْمَتْرُوكُ.

وَالثَّالِثُ: الْمُنْكَرُ عَلَى رَأْيٍ.

وَكَذَا الرَّابِعُ وَالْخَامِسُ.

Аввалгиси: “мавзуз” (ёлғон, түқилған хабар).

Иккинчиси: “матрук” (тарк қилинған хабар).

Учинчиси: “мункар” хабар (инкор қилинған).

Түртінчи ва бешинчилар ҳам шундай (яни, мункар хабарлар).

ثُمَّ الْوَهْمُ: إِنْ اطْلَعَ عَلَيْهِ بِالْقُرَائِنِ، وَجَمِيعُ الطُّرُقِ: فَالْمُعَلَّلُ.

Сўнгра “ваҳм”, агар уни қариналар ва туруқларнинг жамъи ила билиб олинган бўлса, у “муъаллал”дир.

ثُمَّ الْمُخَالَفَةُ: إِنْ كَانَتْ بِتَغْيِيرِ السِّيَاقِ: فَمُدْرَجُ الْإِسْنَادِ.

أَوْ بِدَمْجِ مَوْقُوفٍ بِمَرْفُوعٍ: فَمُدْرَجُ الْمَتْنِ.

أَوْ بِتَقْدِيمٍ أَوْ تَأْخِيرٍ: فَالْمَقْلُوبُ.

Сўнгра “мухолиф”, агар унинг сиёки ўзгартирилган бўлса, у “мудражул иснод” (санадига қўшимча қилинган)дир. Агар уни “мавқуф”ни “марфуъ”га қўшиш ила ривоят қилган бўлса, у “мудражул матн” (матнига қўшимча қилинган)дир. Агар олдинга суриш ёки орқага суриш ила бўлса, у “мақлуб” (ағдарилган)дир.

أَوْ بِنِيَادِهِ رَاوِ: فَالْمَزِيدُ فِي مُتَصِّلِ الْأَسَانِيدِ.

أَوْ بِإِبْدَالِهِ وَلَا مُرْجَحٌ: فَالْمُضْطَرِبُ، وَقَدْ يَقْعُ الْإِبْدَالُ عَمْدًا امْتَحَانًا،

أَوْ بِتَغْيِيرِ حُرُوفٍ مَعَ بَقَاءِ السِّيَاقِ: فَالْمُصَحَّفُ وَالْمُحَرَّفُ.

Ёки ровий зиёда қилиш ила бўлса, у “мазийд фий муттасилил асаанийд” (ўзаро боғланган санадларга зиёда қилинган) деб номланади. Ёки ровийлар ўрнини “мурожжих”и (бирортасини устун қўйувчиси) бўлмаган ҳолида алмаштириш ила бўлса – гоҳида ровийлар ўрнини алмаштириш атайлаб имтиҳон қилиш учун бўлади – у “мудториб” (чигал)дир. Ёки сиёқни қолдириб ҳарфларни ўзгартириш ила бўлса, “мусаххаф” ва “муҳарраф” бўлади.

وَلَا يَجُوزُ تَعْمُدُ تَغْيِيرِ الْمَتْنِ بِالنَّقْصِ وَالْمُرَادِفِ إِلَّا لِعَالِمٍ بِمَا يُحِيلُ الْمَعَانِي، فَإِنْ خَفِيَ الْمَعْنَى أَخْتَيَّ إِلَى شَرْحِ الْغَرِيبِ وَبَيَانِ الْمُشْكِلِ.

Матни қисқартириш ёки маънодошини келтириш ила атайлаб ўзгартириш маънолар нималар ила ўзгаришига олим бўлган кишигагина жоиздир. Бас, маъно махфий бўлиб қолса, “ғарийб”ларни шарҳлашга ва “мушкил”ларни баён қилишга муҳтож бўлинади.

ثُمَّ اجْهَالَهُ: وَسَبَبُهَا أَنَّ الرَّاوِيَ قَدْ تَكْثُرُ نُعُوتُهُ فَيُذْكُرُ بِغَيْرِ مَا اشْتَهَرَ بِهِ لِغَرَضٍ، وَصَنَفُوا فِيهِ الْمُوضِحَ.

Сўнгра “жаҳолат” (ровийни танимаслик). Бунинг сабаби: гоҳида ровийнинг сифатлари кўп бўлгани эътиборидан бирор мақсад йўлида машҳур бўлмаган сифати ила зикр қилинади. Бу масала ҳақида “муудих” (изоҳловчи)лар ёзилган.

وَقَدْ يَكُونُ مُقَلًا فَلَا يَكُنُّ الْأَخْذُ عَنْهُ، وَصَنَفُوا فِيهِ الْوُحْدَانَ،

Гоҳида (ровий) кам ривоят қилувчи бўлади ва ундан ҳадис олиш кўп бўлмайди. Бу масала ҳақида “вухдон” (“якка ўзи бўлганлар”)лар ёзилган.

أَوْ لَا يُسَمَّى اخْتِصَارًا، وَفِيهِ الْمُبْهَمَاتُ، وَلَا يُقْبَلُ الْمُبْهَمُ وَلَوْ أُبْهِمَ بِلَفْظِ التَّعْدِيلِ عَلَى الْأَصَحِّ.

Гоҳида ровийни ривоятни мухтасар қилиш ниятида номламайди. Бу масала ҳақида “мубҳамот” (“номаълумлар”)лар ёзилган. Энг сахих қавлга биноан мубҳам ровий “таъдийл” лафзи ила мубҳам қилинган бўлса ҳам қабул қилинмайди.

فَإِنْ سُئِيَ وَانْفَرَدَ وَاحِدٌ عَنْهُ فَمَجْهُولُ الْعَيْنِ، أَوْ اثْنَانِ فَصَاعِدًا، وَلَمْ يُؤْتَقْ: فَمَجْهُولُ  
 الْحَالِ، وَهُوَ الْمَسْتُورُ.

Агар ўша ровийнинг номини айтилган бўлиб ундан фақат бир киши ривоят қилган бўлса, у “мажхулул ъайн” (айни ўзи билинмаган) бўлади. Агар ўша ровийни икки ва ундан кўп киши номлаб ундан ривоят қилсаю “сиқа” (ишончли) деб айтилмаса, у “мажхулул ҳол” (ҳолати номаълум) бўлади. Мажхулул ҳол “мастур” (тўсилган)дир.

ثُمَّ الْبِدْعَةُ: إِمَّا إِكْفَرٌ، أَوْ إِعْسَىٰ.

فَالْأَوَّلُ: لَا يَقْبَلُ صَاحِبَهَا الْجُمْهُورُ.

Сўнгра кофир қилувчи ёки фосик қилувчи бидъат. Аввалгисининг (кофир қилувчи бидъат) соҳибини жумхур қабул қилмайди.

وَالثَّانِي: يُقْبَلُ مَنْ لَمْ يَكُنْ دَاعِيَةً إِلَى بِدْعَتِهِ فِي الْأَصَحِّ، إِلَّا إِنْ رَوَى مَا يُقَوِّي بِدْعَتَهُ فَيُرَدُّ عَلَى الْمُخْتَارِ، وَبِهِ صَرَّحَ الْجُوزَجَائِيُّ شَيْخُ النَّسَائِيُّ.

Иккинчиси – энг саҳих қавлга биноан – токи ўзининг бидъатига даъват қилмас экан ривояти қабул қилинади. Аммо – ихтиёр қилинган қавлга биноан – ўзининг бидъатини қувватловчи нарсани ривоят қилса, рад қилинади. Насаййнинг шайхи Жузажоний буни очиқ айтган.

ثُمَّ سُوءُ الْحِفْظِ: إِنْ كَانَ لَازِمًا فَهُوَ الشَّاذُ عَلَى رَأْيٍ، أَوْ طَارِئًا فَالْمُخْتَلِطُ، وَمَنِ تُوبَعَ سَيِّئُ الْحِفْظِ بِمُعْتَبِرٍ، وَكَذَا الْمَسْتُورُ وَالْمُرْسَلُ، وَالْمُدَلَّسُ: صَارَ حَدِيثُهُمْ حَسَنًا لَا لِذَاتِهِ، بَلْ بِالْمَجْمُوعِ.

Сўнгра “ҳифзниңг ёмонлиги”: агар у (ровийдан) ажралмас бўлса, бир раъига кўра у “шозз”дир. Агар “ҳифзниңг ёмонлиги” кейинчалик (ровийда) пайдо бўлган бўлса, у “мухталит” (аралашган)дир. Қачонки “ҳифзи ёмон” ровийга (ўша ривоятда) “мўътабар” ( rivоят ила) эргашса, шунингдек “мастур”, “мурсал” ва “мудаллас”ларга “мўътабар” ( rivоят ила) эргашса, уларнинг ҳадислари “ҳасан” бўлади. Аммо “лизаатихи” (айнан ўзи ҳасан) бўлмайди, жамланиш эътиборидан бўлади.

ثُمَّ الْإِسْنَادُ: إِمَّا أَنْ يَنْتَهِي إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، تَصْرِيحاً، أَوْ حُكْمًا: مِنْ قَوْلِهِ، أَوْ فِعْلِهِ، أَوْ تَقْرِيرِهِ.

Сүнгра, иснод: ёки Набий соллаллоху алайхи ва салламга қавл ёки феъл ёки тақрир қилиш (маъқуллаш)дан иборат бўлиб очиқ-ойдин ёки ҳукмий жиҳатдан у кишига бориб тўхтайди.

أَوْ إِلَى الصَّحَابِيِّ كَذَلِكَ، وَهُوَ: مَنْ لَقِيَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُؤْمِنًا بِهِ، وَمَاتَ عَلَى إِلْسَامٍ، وَلَوْ تَخَلَّتْ رِدَّةُ فِي الْأَصْحَاحِ.

Ёки шу йўсинда сахобийга бориб тўхтайди. Сахобий – Набий соллалоху алайхи ва салламга у кишига иймон келтирган холда йўлиққан ва мусулмон ҳолида вафот топган кишидир. Энг сахих қавлга биноан Расулуллоҳ билан мўмин ҳолида кўришгач, муртад бўлиб сўнгра яна мусулмон бўлиб, Исломда вафот топган бўлса ҳам сахобий бўлади.

أَوْ إِلَى التَّابِعِيِّ: وَهُوَ مَنْ لَقِيَ الصَّحَابِيِّ كَذَلِكَ.  
فَالْأَوَّلُ: الْمَرْفُوعُ، وَالثَّانِي: الْمَوْقُوفُ، وَالثَّالِثُ: الْمَقْطُوعُ، وَمَنْ دُونَ التَّابِعِيِّ فِيهِ مِثْلُهُ.

Ёки шу йўсинда тобеъийга бориб тўхтайди. Тобеъий – саҳобийга йуқоридаги шартларга кўра йўлиқкан инсондир.

Ҳадиснинг аввалгиси (Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламда тўхтагани): “марфуъ” (кўтарилилган)дир.

Иккинчиси (саҳобийда тўхтагани): “мавқуф” (тўхтатилган)дир.

Учинчиси (тобеъийда тўхтагани): “мақтуъ” (кесилган)дир.

Тобеъийдан аввал тўхтагани ҳам “мақтуъ”дир.

وَيُقَالُ لِلأَخْرِيْنِ: الْأَثْرُ.

وَالْمُسْنَدُ: مَرْفُوعٌ صَحَابِيٌّ بِسَنَدٍ ظَاهِرُهُ الاتِّصَالُ.

Охирги иккисини (“мавқуф” ва “мақтуъ”ни) “асар” дейилади.

“Муснад” – саҳобийнинг зохири узилишсиз боғланиш бўлган санад или ҳадисни Расулулоҳ соллаллоҳ алайҳи ва салламга марфуъ қилиши (кўтаришидир).

فِإِنْ قَلَ عَدَدُهُ: إِمَّا أَنْ يَنْتَهِي إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، أَوْ إِلَى إِمَامٍ ذِي صِفَةٍ عَلَيْهِ كَشْعَبَةَ، فَالْأَوَّلُ: الْعُلُوُّ الْمُطْلَقُ، وَالثَّانِي: التِّسْبِيُّ.

Агар (санаддаги рижолларнинг) адади кам бўлганда: хабар ё Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга бориб тўхтайди ёки Шўъба каби олий сифатлар эгаси бўлмиш имомга бориб тўхтайди. Шунда аввалги навъ “ъулуввул мутлок” (мутлоқ олийлик) дейилади, иккинчиси “(ъулуввул) нисбий” (нисбий олийлик) дейилади.

وَفِيهِ الْمُوَافَقَةُ: وَهِيَ الْوُصُولُ إِلَى شَيْخٍ أَحَدِ الْمُصَنَّفِينَ مِنْ غَيْرِ طَرِيقِهِ. وَفِيهِ  
الْبَدْلُ: وَهُوَ الْوُصُولُ إِلَى شَيْخٍ شَيْخِهِ كَذَلِكَ.

وَفِيهِ الْمُسَاوَةُ: وَهِيَ اسْتِوَاءُ عَدَدِ الْإِسْنَادِ مِنَ الرَّاوِي إِلَى آخِرِهِ، مَعَ إِسْنَادِ أَحَدِ  
الْمُصَنَّفِينَ. وَفِيهِ الْمُصَافَحَةُ: وَهِيَ الْأِسْتِوَاءُ مَعَ تِلْمِيذِ ذَلِكَ الْمُصَنَّفِ.

Шунингдек унда (санадда) “муваафакат” (ўзаро мувофиқлик) бор. “Муваафақат” – мусаннифлардан бирининг шайхига ўша мусаннифнинг йўлидан бошқа йўл ила етишишдир.

Унда “бадал” хам бор. “Бадал” – мусаннифлардан бирининг шайхининг шайхига унинг йўлидан бошқа йўл ила етишишдир.

Унда “мусаавот” бор. “Мусаавот” (барорбарлик) – ровийлардан иборат исноднинг ададида охиригача мусаннифлардан бирининг исноди ила барорбар келишишдир.

Унда яна “мусофаҳа” бор. “Мусофаҳа” (ўзаро қўл бериб кўришиш) – ўша мусанифнинг шогирди ила (“мусаавот”да келтирилган кўринишда) тенг келишдир.

وَيُقَابِلُ الْعُلُوَّ بِأَقْسَامِهِ النُّزُولُ.

فَإِنْ تَشَارَكَ الرَّاوِي وَمَنْ رَوَى عَنْهُ فِي السِّنِّ وَاللُّقِيِّ فَهُوَ الْأَقْرَانُ.

“Ҷулув”га ўзининг бир неча қисмлари ила “нузул” (пастга тушиш) муқобил бўлади.

Агар ровий ва ҳадисни ундан ривоят қилган ровий ёшда ва кўришганликда (яъни, ҳадисни шайхлардан олишда) тенг бўлса, бу “акрон”лардир.

كُلُّ مِنْهُمَا عَنِ الْآخَرِ: فَالْمُدَبَّجُ،

Агар ўша икки ровий бир-бирларидан ривоят қилган бўлсалар, у “мудаббаж” (безатилган) бўлади.

وَإِنْ رَوَى عَمَّنْ دُونَهُ: فَالْأَكَبِرُ عَنِ الْأَصَاغِرِ،

Агар ўзидан (ёшда ва ривоят микдори жихатидан) пастда трувчи ровийдан ривоят қилса, у

“акобир ъанил асогир” (катталар кичиклардан) бўлади.

وَمِنْهُ الآباءُ عَنِ الْأَبْنَاءِ، وَفِي عَكْسِهِ كُثُرٌ، وَمِنْهُ مَنْ رَوَى عَنْ أَيِّهِ عَنْ جَدٍّ.

Оталар ўғилларидан (ривоят қилиши) ундан (акобир ъанил асогир)дир. (Ривоятлар) бунинг аксида кўпдир. Отасидан, отаси ўзининг отасидан ривоят қилгани ҳам (акобир ъанил асогир)дир.

وَإِنِ اشْتَرَكَ اثْنَانِ عَنْ شَيْخٍ، وَتَقْدَمَ مَوْتُ أَحَدٍ هُمَا، فَهُوَ : السَّابِقُ وَالْلَّاحِقُ.

Агар икки киши бир шайхдан ривоят қилишда шерик бўлсалар ва улардан бирининг ўлими аввал бўлса, у “собиқ ва лоҳиқ” (олдинлаган ва кейин қўшилган)дир.

وَإِنْ رَوَى عَنْ اثْنَيْنِ مُتَفَقِّي الْاسْمِ وَلَمْ يَتَمَيَّزَا، فَبِاَخْتِصَاصِهِ بِأَحَدٍ هُمَا يَتَبَيَّنُ الْمُهْمَلُ.  
وَإِنْ جَحَدَ مَرْوِيَّهُ جَزْمًا: رُدًّ، أَوِ احْتِمَالًا: قُلِيلٌ فِي الْأَصْحَاحِ.

Агар исмлари бир хил бўлган икки кишидан ривоят қилсаю, ўша икки киши бир-бираидан аниқ бўлиб ажрамаса, ровийнинг улардан биттасини

хослаши ила “муҳмал” (ташлаб қўйилган) бўлган хабар очиқ-ойдинга айланади.

Агар ривоят (ундан қилинган шайх) жазм ила ривоят қилганига қарши чиқса, хабари рад қилинади. Агар ривоят қилганига жазм қилмай, эҳтимолга суяниб қарши чиқса – энг сахих қавлга биноан – қабул қилинади.

وَفِيهِ: مَنْ حَدَّثَ وَنَسِيَ.

وَإِنِ اتَّفَقَ الرُّوَاةُ فِي صِيَغِ الْأَدَاءِ أَوْ غَيْرَهَا مِنَ الْحَالَاتِ، فَهُوَ الْمُسَلْسَلُ.

Ва бу борада “ҳадис айтган ва унутган” бор.

Агар ровийлар адo сийғаларида ёки бошқа ҳолатларда бир ҳиллик қilsалар, у “мусалсал” бўлади.

وَصِيَغُ الْأَدَاءِ: سَمِعْتُ وَحَدَّثْنِي، ثُمَّ أَخْبَرَنِي، وَقَرَأْتُ عَلَيْهِ، ثُمَّ قُرِئَ عَلَيْهِ وَأَنَا أَسْمَعُ، ثُمَّ أَنْبَأَنِي، ثُمَّ نَأْوَلَنِي، ثُمَّ شَافَهَنِي، ثُمَّ كَتَبَ إِلَيَّ، ثُمَّ عَنْ، وَنَحُوُهَا.

Адо сийғалари: “эшитдим” ва “менга ҳадис айтди”, сўнгра “менга хабар берди” ва “унга ўқидим”, сўнгра “хузурида ўқилди ва мен эшитиб турдим”, сўнгра “менга етказди”, сўнгра “менга узатди”, сўнгра “менга айтди” (ижозат берди), сўнгра

“менга ёзиб берди”, сўнгра “(фалончи) дан” ва шу каби (сийғалар).

فَالْأُولَانِ: لِمَنْ سَمِعَ وَحْدَهُ مِنْ لُفْظِ الشَّيْخِ، فَإِنْ جَمَعَ فَمَعَ غَيْرِهِ، وَأَوَّلُهَا: أَصْرَحُهَا وَأَرْفَعُهَا  
فِي الْإِمْلَاءِ .

Аввалги иккиси шайхнинг лафзидан бир ўзи эшитган ровий учундир. Агар сийғани жамъ қилса, (масалан: эшитдик) бошқа ровий билан бирга бўлади. Аввалги сийға (“эшитдим”) имлода учрайдиган энг очик, энг юқори сийғадир.

وَالثَّالِثُ، وَالرَّابِعُ: لِمَنْ قَرَأَ بِنَفْسِهِ، فَإِنْ جَمَعَ: فَكَاحْمَاسٍ.

وَالْأَنْبَاءُ: بِمَعْنَى الْإِخْبَارِ، إِلَّا فِي عُرْفِ الْمُتَّاخِرِينَ فَهُوَ لِلإِجَازَةِ كَمَا: عَنْ، وَعَنْعَنَةُ الْمُعَاصِرِ  
مَحْمُولَةُ عَلَى السَّمَاعِ إِلَّا مِنْ مُدَلِّسٍ، وَقَيلَ: يُشْتَرِطُ ثُبُوتُ لِقَائِهِمَا وَلَوْ مَرَّةً، وَهُوَ  
الْمُخْتَارُ،

Учинчиси ва тўртинчиси (шайхнинг ҳузурида) ўзи ўқиган киши учун. Агар сийғани жамъ қилса, бешинчиси кабидир. “Етказиш” – “хабар бериш” маъносидадир. Аммо мутаахирлар урфида у “(фалончидан)дан” каби ижозат бериш учундир. Ўзаро замондош бўлганнинг “ъанъана”си (фалончидан, масалан Саъийд ибн Жубайрдан деб ривоят қилиши) ровий “мудаллис” бўлмаса,

эшитганлик деб ҳисобланади. Ва (ъанъана) масаласида “бир маротаба бўлса ҳам учрашганликлари шарт килинади” дейилган бўлиб, шу қавл ихтиёр қилингандир.

وَأَطْلَقُوا الْمُشَافَهَةَ فِي الْإِجَازَةِ الْمُتَلَفِّظِ بِهَا، وَالْمُكَاتَبَةَ فِي الْإِجَازَةِ الْمَكْتُوبِ بِهَا،  
وَأَشْرَطُوا فِي صِحَّةِ الْمُنَاوَلَةِ افْتَرَانُهَا بِالْإِذْنِ بِالرِّوَايَةِ، وَهِيَ أَرْفَعُ أَنْوَاعِ الْإِجَازَةِ.

“Мушофаха”ни талаффуз қилинган ижозат беришга нисбатан ишлатганлар. Шунингдек “мукотаба”ни ёзиб берилган ижозага нисбатан ишлатганлар. “Муновала”нинг сахихлиги учун ривоят қилишга изн беришни шарт қилганлар. Ва бу (муновала) ижозатнинг энг юксак навъидандир.

وَكَذَا اشْرَطُوا إِلَيْهِنَّ فِي الْوَجَادَةِ، وَالْوَصِيَّةِ بِالْكِتَابِ، وَفِي الْإِعْلَامِ، وَإِلَّا فَلَا عِبْرَةَ بِذَلِكِ  
كَالْإِجَازَةِ الْعَامَّةِ وَلِلْمَجْهُولِ وَلِلْمَغْدُومِ عَلَى الْأَصَحِّ فِي جَمِيعِ ذَلِكَ.

Шунингдек “важодат”да (китобини топиб олишда), “ёзув ила васият”да изнни шарт қилганлар. “Эълом”да (“фалончининг китобидан ривоят қилмоқдаман” деб айтиш) ҳам шуни шарт қилинган. Агар бундай шартлар кўйилмаса, оммаи ижозага ўхшаб қолар ва буларнинг барчасида – энг сахих қалга биноан – номаълум, асли йўқ бўлганга берилган ижозага ўхшаб қолар эди.

ثُمَّ الرُّوَاةُ إِنِ اتَّفَقْتُ أَسْمَاؤُهُمْ، وَأَسْمَاءُ آبَائِهِمْ فَصَاعِدًا، وَاحْتَلَفَتْ أَشْخَاصُهُمْ: فَهُوَ الْمُنِعِقُ وَالْمُفْتَرِقُ، وَإِنِ اتَّفَقْتِ الْأَسْمَاءُ خَطًّا، وَاحْتَلَفَتْ نُطْقًا: فَهُوَ الْمُؤْتَفِ وَالْمُخْتَلِفُ.

Сўнгра ровийларнинг исмлари, оталарининг исмлари ва кейинги исмлари бир ҳил бўлиб шахслари бошқа-бошқа бўлса, у “муттафиқ ва муфтариқ” (бир ҳил ва фарқли)дир. Агар исмлари хатда бир ҳил бўлиб, нуқталарда фарқли бўлса, у “муъталиф ва муҳталиф” (бирлашган ва ўзаро хилоф бўлган)дир.

وَإِنِ اتَّفَقْتِ الْأَسْمَاءُ وَاحْتَلَفَتِ الْآبَاءُ، أَوْ بِالْعَكْسِ: فَهُوَ الْمُتَشَابِهُ، وَكَذَا إِنْ وَقَعَ ذَلِكَ الْإِتِفَاقُ فِي الْإِسْمِ وَاسْمِ الْأَبِ وَالْإِخْتِلَافُ فِي النِّسْبَةِ،

Агар исмлар бир ҳил бўлиб оталар турли бўлса ёки бунинг акси бўлса, у “муташобех” (ўзаро ўхшаш)дир. Агар бир ҳиллик исмда ва отанинг исмида бўлиб, фарқланиш “nisba”да (Термизий, Димашқий каби) бўлса ҳам шундай (муташобех)дир.

وَيَتَرَكُ مِنْهُ وَمِمَّا قَبْلَهُ أَنْوَاعٌ: مِنْهَا أَنْ يَحْصُلَ الْإِتِفَاقُ أَوْ الْإِشْتِبَاهُ إِلَّا فِي حَرْفٍ أَوْ حُرْفَيْنِ.

Ушбу турлиликдан ва ундан олдингидан турли навълар келиб чиқади: битта ёки иккита ҳарфда бир ҳиллик ёки ўхшашлик ҳосил бўлиши шундай навъларданdir.

أَوْ بِالتَّقْدِيمِ وَالتَّأْخِيرِ أَوْ نَحْوَ ذَلِكَ.

(Номлар) олдин келиши, орқада келиши ва шунга ўхшаш ҳолатлар ила ҳам бўлади.

#### خاتمة

وَمِنَ الْمُهِمِّ: مَعْرِفَةٌ طَبَقَاتِ الرُّوَاةِ وَمَوَالِيِّهِمْ، وَوَفَيَاَتِهِمْ، وَبُلْدَانِهِمْ، وَأَحْوَالِهِمْ تَعْدِيَالًا  
وَتَجْرِيَحًا وَجَهَالَةً.

Ровийларнинг табакалари, туғилишлари, вафотлари, юртлари, “таъдийл”, “тажрийх” ва “жаҳолат” эътиборидан бўлган ҳолатларини билиш муҳимдир.

وَمَرَاتِبُ الْجُرْحِ: وَأَسْوُؤُهَا الْوَصْفُ بِأَفْعَلِ، كَأَكْذَابِ النَّاسِ، ثُمَّ دَجَالٍ، أَوْ وَضَاعٍ أَوْ  
كَذَابٍ، وَأَسْهَلُهَا: لَيْنٌ، أَوْ سَيِّئُ الْحِفْظِ، أَوْ فِيهِ أَدْنِي مَقَالٍ.

“Жарх”нинг мартабалари: “жархнинг энг ёмон мартабаси أَكْذَبِ النَّاسِ (одамларнинг энг ёлғончиси) дейилганидаги каби أَفْعَلَ вазнида (энг...) келган васфdir. Сўнgra “дажжол” ёки “ваддоъ” (тўқиб чиқарувчи) ёки “кazzоб”. Энг енгил мартабаси “лаййин” (бўшашган) ёки “ҳифзи ёмон” ёки “унда бир оз гап бор” дейилганидир.

وَمَرَاتِبُ التَّعْدِيلِ: وَأَرْفَعُهَا الْوَصْفُ بِأَفْعَلٍ: كَأَوْثَقِ النَّاسِ، ثُمَّ مَا تَأَكَّدَ بِصِفَةٍ أَوْ صِفَتَيْنِ  
كَ: ثِقَةٌ ثِقَةٌ، أَوْ ثِقَةٌ حَافِظٌ، وَأَدْنَاهَا مَا أَشْعَرَ بِالْقُرْبِ مِنْ أَسْهَلِ التَّجْرِيحِ: كَ: شَيْخٌ،

“Таъдийл” мартабалари: (أَوْثَقِ النَّاسِ (одамларнинг энг ишончлиси) дейилганидаги каби أَفْعَلَ вазнида (энг...)) келган васф таъдийл мартабаларининг энг юқорисидир. Сўнgra “сиқа сиқа” ва “сиқа ҳофиз” каби битта ёки икки сифат или таъкидланган васф. Таъдийл мартабаларининг энг пасти “шайх” дейилганидаги каби тажрийхнинг энг енгилига яқинлиги сезилган васфdir.

وَتُقْبِلُ التَّزْكِيَّةُ مِنْ عَارِفٍ بِأَسْبَابِهَا، وَلَوْ مِنْ وَاحِدٍ عَلَى الْأَصَحِّ.

Энг саҳих қавлга биноан ровийни оқлаш таъдийлнинг сабабларини яхши англаган инсондан – у оқлашда бир ўзи бўлса ҳам – қабул қилинади.

وَاجْرُخُ مُقَدَّمٌ عَلَى التَّعْدِيلِ إِنْ صَدَرَ مُبَيِّنًا مِنْ عَارِفٍ بِإِسْبَابِهِ، فَإِنْ خَلَا عَنِ التَّعْدِيلِ  
قُلِّ مُجْمَلًا عَلَى الْمُخْتَارِ.

Жарх агар тажрийх сабабларини чуқур билгувчи инсондан очиқ баён қилинган тарзда содир бўлса, таъдийлдан аввал қўйилади. Агар ровий таъдийлдан холий бўлса – ихтиёр қилинган қавлга биноан – жарх мужмал ҳолида ҳам қабул қилинади.

وَمَنِ الْمُهِمُّ مَعْرِفَةُ كُنَى الْمُسَمِّينَ، وَأَسْمَاءُ الْمُكَنَّينَ، وَمَنِ اسْمُهُ كُنْيَتُهُ، وَمَنِ اخْتَلَفَ فِي  
كُنْيَتِهِ، وَمَنْ كَثُرَتْ كُنَاهُ أَوْ نُعْوَتُهُ، وَمَنْ وَافَقَتْ كُنْيَتُهُ اسْمُ أَبِيهِ، أَوْ بِالْعَكْسِ،

Ислами айтилганларнинг куняларини, кунялари айтилганларнинг исмларини, исми кунясидек бўлганларни, куняси борасида ихтилоф қилинганларни, куняси ва сифатлари кўп бўлганларни, бунинг акси бўлганларни билиш муҳимдир.

أَوْ كُنْيَتُهُ كُنْيَةُ زَوْجَتِهِ، وَمَنْ نِسْبَ إِلَى غَيْرِ أَبِيهِ، أَوْ إِلَى أُمِّهِ، أَوْ إِلَى غَيْرِ مَا يَسْبِقُ إِلَى  
الْفَهْمِ، وَمَنِ اتَّفَقَ اسْمُهُ وَاسْمُ أَبِيهِ وَجَدِّهِ، أَوْ اسْمُ شَيْخِهِ وَشَيْخُ شَيْخِهِ فَصَاعِدًا، وَمَنِ  
اتَّفَقَ اسْمُ شَيْخِهِ وَالرَّاوِي عَنْهُ.

Шунингдек куняси аёлининг кунясидек бўлганларни, отасидан бошқага нисбат берилганларни, онасига нисбат берилганларни, фахмга келмайдиган куня эгаларини, ўзининг, отасининг ва бобосининг исми бир ҳил бўлганларни, шайхи, шайхининг шайхи қанча тепаласа ҳам исми бир ҳил бўлганларни ва шайхи ва ундан ривоят қилувчиси бир ҳил бўлганларни билиш ҳам муҳимдир.

وَمَعْرِفَةُ الْأَسْمَاءِ الْمُجَرَّدَةِ وَالْمُفْرَدَةِ، وَالْكُنْيَةِ، وَالْأَلْقَابِ، وَالْأَنْسَابِ، وَتَقْعُ إِلَى الْقَبَائِلِ وَالْأُوْطَانِ، بِلَادًا، أَوْ ضَيَاعًا أَوْ سِكَّاً، أَوْ مُجاوِرَةً، وَإِلَى الصَّنَائِعِ وَالْحِرْفِ،

“Мужаррад” (холий) ва “муфрад” (якка) исмларни, шундай куняларни, қабилалар, ватанларга – юрт, ўша юртларда қолиб кетиш, уларнинг йўлида бўлиш, қўшни бўлиш жиҳатидан – воқеъ бўлувчи лақаблар ва насабларни, шунингдек касб ва ҳунар сабабидан келиб чиқувчи лақаблар ва насабларни билиш муҳимдир.

وَيَقَعُ فِيهَا الْإِتْفَاقُ وَالْإِشْتَبَاهُ كَالْأَسْمَاءِ، وَقَدْ تَقْعُ الْقَبَابَا،

Буларда (лақаблар ва насаблар) исмлардаги каби бир ҳиллик ва ўхашлик воқеъ бўлади. Гоҳида нисбат лақаб бўлиб воқеъ бўлади.

وَمَعْرِفَةُ أَسْبَابِ ذَلِكَ، وَمَعْرِفَةُ الْمَوَالِيِّ مِنْ أَعْلَى، وَمِنْ أَسْفَلَ، بِالرِّقِّ، أَوْ بِالْحَلْفِ، وَمَعْرِفَةُ  
الْإِخْوَةِ وَالْأَخْوَاتِ.

Буларнинг (юқоридаги барчаларининг) сабабларини билиш, шунингдек мавлоларнинг тепадан, пастдан, қулчилик сабабидан, қасам ичиш сабабидан бўлишини ва ака-укалар, опа-сингилларни билиш муҳимдир.

وَمَعْرِفَةُ آدَابِ الشَّيْخِ وَالْطَّالِبِ، وَسِنْ التَّحْمُلِ وَالْأَدَاءِ،

Шайх ва талаба одаблари, “таҳаммул” (ilmni кўтариш) ва “адо” (ўша кўтарилиган ilmni бошқаларга ado қилиш) ёшини билиш ҳам муҳимдир.

وَصِفَةُ كِتَابَةِ الْحَدِيثِ وَعَرْضِهِ، وَسَمَاعَهِ، وَإِسْمَاعِهِ، وَالرِّحْلَةُ فِيهِ، وَتَصْنِيفِهِ، إِمَّا عَلَى  
الْمَسَانِيدِ، أَوِ الْأَبْوَابِ، أَوِ الْعِلَلِ، أَوِ الْأَطْرَافِ.

Шунингдек ҳадисни ёзиш, арз қилиш, эшитиш, эшииттириш, ҳадис учун сафар қилиш, уни “муснад”ларга ёки “абвоб”ларга ёки “ъилал”ларга

ёки “атроф”ларга тасниф қилишни билиш ҳам муҳимдир.

وَمَعْرِفَةُ سَبَبِ الْحَدِيثِ، وَقَدْ صَنَّفَ فِيهِ بَعْضُ شُيوخِ الْقَاضِيِّ أَيِّ يَعْلَمُ بْنُ الْفَرَاءِ،  
وَصَنَّفُوا فِي غَالِبٍ هَذِهِ الْأَنْواعِ.

وَهِيَ نَقْلٌ مَحْضٌ، ظَاهِرُهُ التَّعْرِيفُ، مُسْتَغْنِيٌّ عَنِ التَّمْثِيلِ، وَحَصْرُهَا مُتَعَسِّرٌ، فَلْيَرَاجِعْ لَهَا  
مَبْسُوطَاتُهَا.

وَاللَّهُ الْمُؤْفَقُ وَالْهَادِيُّ، لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ.

Ҳадиснинг айтилиш сабабини билиш ҳам муҳимдир. Бу масалада Қози Абу Яъло ибн Фарронинг шайхларидан бири тасниф қилган. Юқорида зикр қилинган навъларнинг деярли барчасида таснифлар қилингандир.

Бу (мухтасар) – фақатгина нақлдир, таъриф беришнинг ўзидир, мисоллар келтиришдан беҳожатдир, уни чеклаш қийиндир. Бу борада батафсил ёзилган китобларга мурожаат қилинсин.

Аллоҳ муваффак қилувчи ва ҳидоят қилувчидир,  
Ундан ўзга илоҳ йўқдир!